Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
10 декабрь
ШАНБА

№ 98
(12.422)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги қутлуғ сана – мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз – Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу санани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз – Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз.

Иккинчидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Учинчидан. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Тўртинчидан. Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Бешинчидан. Миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олтинчидан. Конституциямиз миллий, кўпукладли иқтисодиётимиз асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

Еттинчидан. Асосий Қонунимиз миллий хавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақоминнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тадрижий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, "шок терапияси" деб аталган ислоҳотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шакларидан воз кечганимиз, четдан карз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.

Ўйлайманки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва туржмаси биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай беқиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқарганини, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига – 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлайманки, ҳеч кимни, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамасдан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмаслиги бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга, бутун халқимизга фахру ғурур бағишлаши табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланадиган эркин иқтисодиётга асосланган очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятни шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Ўйлайманки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз – Парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

(Давоми 2-бетда).

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади. Биз танлаган йўл – бугун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислоҳотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз истиқлол йилларида эришаётган бетимсол ютуқларда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Асосий Қонунимиз ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби юксак мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2012 йилни мамлакатимизда **"Мустаҳкам оила йили"** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎзА.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Юртимизнинг кундан-кунга равнақ топиб, ҳаётимиз фаровонлашиб боришида Конституциянинг ўрни беқиёс. Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда бу алоҳида таъкидланди. Йиғилишда вилоят фаоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ташкилот ва бошқарма раҳбарлари иштирок этди.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов йиғилишни очар экан, Бош Қомусимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Конституция инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояси ҳамма нарсадан устунлигини белгилаб берди. У мамлакатимизнинг давлат тузилиши, сайлов сиёсати, ҳокимият органларини бошқариш усуллари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи олий ҳуқуқий кучга эга қонундир.

Республика Президентининг Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланганлар қаторида вилоятимиз вакиллари ҳам кўп. Тантанали йиғилишда юксак мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

– Мен каби оддий ишчига шу қадар юксак мукофотни муносиб кўришганидан бошим осмонга етди, – дейди Бўстонлиқ туманидаги "Чорбоғ ГЭС қурилиш" корхонаси участка бошлиғи Ботирали Худойберганов. – Бугунги кун мен учун қўш шодиёна бўлди. Конституциямизни нишонлаш бир байрам бўлса, "Меҳнат шуҳрати" орденини кўкрагимга тақиб қўйишгани нур устига нур бўлди.

– Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракати амалий эътибор топди, – дейди Чиноз туманидаги "Ҳикматилла Йўлдошев" фермер хўжалиги бошлиғи, "Шуҳрат" медали соҳиби Ҳабибулла Йўлдошев. – Хўжалигимиз аъзоларининг камтарона меҳнатини юксак қадрлаган Юртбошимизга ташаккур дейман. Бу мукофотни бутун хўжалигимиз меҳнатига эътибор, деб биламан.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазири Рустам Азимов иштирок этди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

СУРАТЛАРДА: мукофотланганларнинг бир гуруҳи.

Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.

2012 йил учун

ОБУНА давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

ВИЛОЯТ ҲУДУДИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент вилояти ҳудудида вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини амалга ошириш ташкиллаштирилсин.

2. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда қуйидаги даврийликка риоя этилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчиларнинг ўрнидан ташқари) автомобиллар, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар – 1 йилда 2 марта, шундан биринчиси 2012 йил 1 мартдан 30 июнгача, иккинчиси 1 сентябрдан 31 октябргача;

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганига беш йилдан ортиқ бўлган, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

(Давоми 3-бетда).

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислоҳотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислоҳотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмуни билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш – мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар каторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яккаю ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз зарур.

Азиз ватандошлар!

Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси – Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларга айланиб боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислоҳотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш ва таҳлил қилиш, ҳеч шубҳасиз, ҳеч кимга ёқмаяпти. Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимни ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун кимнингдир рухсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртдошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихни асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йигирма йил давомида вояга етган навқирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажагимизга катта ишонч билан қарамоқда ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен такрор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кунига бағишланган мажлисда мамлакатимизда одатга айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қиёфасини ҳеч ким ва ҳеч нарса билан алмаштирмаймиз. Аввало, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кечаги совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлмиш собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлишини табиий-қонуний ва мантиқий ҳол деб баҳоламаслик, бунинг сабабини авваламбор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг нокобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага урғу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатлараро бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритганда, айтиш керакки, бундай бирлашмалар вакти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларининг бошқа ҳорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишдир.

Биз учун ғоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат ғоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда аҳолида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга эканини тўғрисида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тушунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуримизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофлича хулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг рухсатингиз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблайман. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг суръат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қулайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллиги таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартибқоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш керакки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай барҳам берилиб, "битта дарча" тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хом ашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айни шу механизмни татбиқ этганимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айниқса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни авваламбор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири – бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, такрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг кўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман – 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Азиз юртдошлар!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратаётган, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Шу борада яна бир муҳим хулоса.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчига айланиб бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкини ҳимоя қилиш, айни шу механизмни татбиқ этганимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айниқса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий ҳурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад – бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар кўплигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий ҳурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад – бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар кўплигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-ҳунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истайди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг рухсатингиз билан, кириб келаётган янги – 2012 йилга юртимизда **"Мустаҳкам оила йили"** деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш – буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, холисона тан олишимиз даркор – ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

Учинчидан, "мустаҳкам оила" деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда "Маҳалла – халқ виждони" деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Тўртинчидан, оилани янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш – авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барчабарча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан – бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлари бўладими – ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан такрор айтаман – биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга албатта етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

ВИЛОЯТ ҲУДУДИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси-шатакчиси учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари бундан мустасно).

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2012 йил 1 мартдан 30 июнга қадар, жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августга қадар ўтказилади.

3. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А. Муллажонов):

– йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг шаҳар ва туман бўлими, бўлинмалари билан биргаликда 2012 йилнинг 1 февраль кунигача юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқсин ва туман, шаҳар ҳокимликларига тақдим этсин;

– техник кўрик жадвалига транспорт воситалари рўйхатга олинган юридик ва жисмоний шахслар, уларга тегишли транспорт воситалари сони ва мажбурий техник кўрик ўтказиш муддати киритилсин;

4. Шаҳар ва туман ҳокимликлари:

– транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилсин;

– 2012 йилнинг 25 январь кунига қадар йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шахслар раҳбарларини жалб этган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин;

– транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг шаҳар ва туман бўлими, бўлинмалари, мудофаа ишлари бўйича бўлимлари вакиллари ва юридик шахсларнинг муҳандис-техник ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузсин;

– йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасинипг шаҳар ва туман бўлими, бўлинмалари билан биргаликда фаолияти тугатилган юридик шахслар тасарруфида бўлган транспорт воситалари, тиркамалар, ярим тиркамаларни аниқлаш ва уларни ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

– йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг шаҳар ва туман бўлими, бўлинмалари ҳамда ички ишлар бўлимининг бошқа хизмат ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларининг тўлиқ мажбурий техник кўрикдан ўтказилишини таъминласин;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 294-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларини тасдиқлаш ҳақида" 482-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, вилоятдаги барча тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тасарруфидаги, ишлаб чиқарилган йили 2000 йилгача бўлган автобус ва кичик автобусларнинг (Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари, Пискент, Бўка ҳамда Оҳангарон туманларида мавжуд бўлган, ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар барча турдаги автобус ва микроавтобусларнинг) мажбурий техник кўриги Олмалиқ шаҳридаги 1-сонли Диагностика тармоғида ўтказилиши ташкиллаштирилсин;

– транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали асосида автобус ва кичик автобусларни мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва тақдим этиш юридик шахслар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан таъминлансин.

5. Вилоят ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти (Э. Азизов):

– йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкил этсин.

6. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш тақиқлансин.

7. Юридик шахслар раҳбарлари мажбурий техник кўрик бошланишидан камида 10 кун олдин вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармасининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими, ҳамда туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмаларига (РИБ, ТРИБ) улардаги мавжуд транспорт воситалари ҳақидаги далолатномани таққослаш учун тақдим этсинлар ва уларга техник кўрик учун белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

8. "Агросуғурта" Давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент вилояти дирекцияси (О. Файзиев) ва вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган бошқа суғурта ташкилотларига:

– йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда мажбурий транспорт воситаси суғуртаси тўловларини ундириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

9. "'Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳарририяти (У. Абдушоҳидов):

– қарор ижросини тўлиқ таъминлаш ва уни кенг оммага етказиш мақсадида ушбу қарорни "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарида расман чоп этсин ва жойлардаги ҳокимликларнинг расмий нашрлари орқали транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорлар, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мақсадли тадбирлар тарғиб қилиб борилишини назоратга олсин.

10. Мазкур қарор расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

11. Вилоят ҳокимининг 2010 йил 30 декабрдаги "Вилоят ҳудудидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги 292-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Ильхамов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими
Р. ХОЛМАТОВ.

Тошкент шаҳри 2011 йил, 7 декабрь.

(Давоми. Боши 1-бетда).

БУГУННИНГ ГАПИ

ММТП: ҚИШ БЕКОРЧИЛИК ФАСЛИ ЭМАС

Давлатга қарашли ҳамда муқобил машина-трактор паркларида бутун йил давомида бирдек иш қизийди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, кўклам, ёз ва куз ойларида экин-тикин, парвариш ва ҳосил йиғим-терими билан боғлиқ дала ишлари тинимсиз давом этади. Қишда эса, техникаларни таъмирлаб, кейинги мавсум учун созлаб қўйиш билан шуғулланилади.

Қибрай туманидаги "Дўрмонагромашсозтехсервис" муқобил машина-трактор паркининг 19 кишидан иборат жамоаси шундай тартибда ишлашга одатланган. Ўтган йилги мавсумда масъулияти чекланган жамият аъзолари ҳудуддаги 33 та фермер хўжалигига 27 миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатишди. Бу йилги даромад эса 30-35 миллион сўм атрофида бўлиши кутилмоқда.

Даромадни йилдан-йилга ошириб бориш эса, давр талаби. Бунинг учун паркдаги мавжуд техника воситалари дала ишларининг бошидан охиригача доимо соз ҳолда бўлмоғи, фермер хўжаликларига имкони борича кўпроқ хизмат кўрсатилмоғи лозим. Бу – қиш ойларидаги таъмирлаш ишларининг суръат ва сифатига бевосита боғлиқ. Ҳозир парк устахоналарида техникаларни созлаб, тайёрлик чизиғига қўйиш охирига етказилмоқда.

– Бугунги кунда паркимиз саккизта МТЗ-80, иккита 728ХЧ4, биттадан БТ-75 ва БТ-150 ҳайдов тракторларига эга, – дейди "Дўрмонагромашсозтехсервис" масъулияти чекланган жамият бош муҳандиси Маҳмудали Аҳмедов. – Уларнинг асосий қисми ҳозирданоқ сифатли таъмирланиб, келаси йил мавсумига шай ҳолга келтириб қўйилди. Қолган иккита МТЗ-80 ва битта Т28ХЧ4 тракторлари ҳам ҳадемай тўла таъмирдан чиқарилади.

СУРАТДА: (чапдан) тажрибали механизатор Ислом Тоғаев ва бош муҳандис Маҳмудали Аҳмедов.

Даврон АҲМАД олган сурат.

НАЗОРАТ

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Вилоят прокуратураси органлари иш ҳақи вақтида тўланишига доир қонунлар ижросини алоҳида назоратга олиб, асосий эътиборни аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадлари учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, пенсионер ва кам таъминланган оилаларга нафақалар вақтида тўланишига қаратмоқда.

Қонунбузилиш ҳолларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Жумладан, Пискент туман прокуратураси "Пискент пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилардан 29,7 млн. сўмлик иш ҳақидан қарздорлиги аниқланиб, уни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза киритиб, корхона рахбари Р. Зиляева нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 49-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатди.

Вилоят прокуратураси органлари ўтказган назорат тадбирлари натижасида 2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига биринчи даражали тўловлар, пенсия, бюджетдан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи ҳамда нафақалардан қарздорлик тўлиқ бартараф этилиши таъминланди.

Шунингдек, назорат тадбирларида айрим мансабдор шахслар иш ҳақи вақтида тўланишига доир қонунлар ижросини таъминлашда жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, Бекобод шаҳар руҳий ва асаб касалликлари диспансери мансабдор шахслари 2009-2011 йиллар давомида ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун йўналтирилган 5,3 млн. сўм бюджет маблағларини ноқонуний сарфланганлиги аниқланиб, шаҳар прокуратураси диспансер мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси органларининг аралашуви билан ишчи ва хизматчиларнинг 400 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақлари тўлаб берилишига эришилди.

Аслиддин ТАШПЎЛАТОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

ТАДБИР

Аҳоли ўртасида меҳр-шафқат ва инсонпарварлик ғояларини, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вилоятдаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, вилоят "Тиббий ижтимоий ўқув маркази" ва Ўзбекистон "Қизил Ярим ой" жамияти вилоят бўлими фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадига қаратилган вилоят ҳокими қарори асосида қатор тадбирлар ишлаб чиқилган эди.

ҲАР КУНГИ АМАЛ

Унга кўра, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Қизил Ярим ой" жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Хайр-эҳсон" ўн кунлиги ўтказилди. Унда барча туман ва шаҳар бошқарма, корхона ва ташкилотлари фаол иштирок этиб, тадбирдан тушган маблағлар, жамоаларнинг бир кунлик иш ҳақлари жамият ҳисоб рақамига ўтказилди. 10 кун давомида ҳомийлар ажратган маблағлар ҳисобига хайрия акциялари, театр ва концерт томошалари, турли спорт тадбирлари уюштирилди.

– Аслида савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак, – дейди "Қизил Ярим ой" жамияти вилоят ташкилоти раҳбари Нигора Рустамова. – Юртбошимизнинг бу сўзлари бизнинг шиоримизга айланган. Хайр-эҳсон ўн кунлиги шу кунларда ҳам давом этмоқда.

Саида РАҲМОНОВА.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 20.05.2010 йилдаги № 6591/22-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 5-уйда жойлашган умумий майдони 35,62 кв.м., 1 хонадан иборат 90-хонадон (тураржой), бош. нархи – 17 479 239 сўм. 2. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 20.05.2010 йилдаги № 6592/22-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўчаси, 23-уйда жойлашган умумий майдони 65,97 кв.м., яшаш майдони 47,03 кв.м., 3 хонадан иборат 22-хонадон (тураржой), бош. нархи – 38 464 780 сўм. 3. Яккасарой тумани СИБ томонидан 20.04.2011 йилдаги ЖС 1-143-11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, ак. Нурмуҳамедов кўчаси, 2-Г уйда жойлашган, умумий майдони -77,11 кв.м., яшаш майдони – 37,97 кв.м., 3 хонадан иборат 6-хонадон (тураржой), бош. нархи – 58 356 330 сўм. 4. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 13.07.2011 йилдаги № 11154-59/22-сон, 06.06.2011 йилдаги 1-22254/11-сон ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бобур кўчаси, 14-Б уй, 9 қаватли уйнинг 8-қаватида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 65,33 кв.м, яшаш майдони 41,90 кв.м., 3 хонадан иборат 42-хонадон (тураржой), бош. нархи – 32 128 864,76 сўм. 5. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 11.01.2011 йилдаги № 1091/22-сон, 20.10.2010 йилдаги 630/10-сон ижро ҳужжатларига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Луначарское шоссе кўчаси, 103-уй, 5 қаватли уйнинг 5-қаватида жойлашган, умумий майдони 59,0 кв.м., 3 хонадан иборат 112-хонадон (тураржой), бошш. нархи – 80 456 400 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 13 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 13 январь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 3 февраль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, яъни 2012 йил 11 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Қибрай тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 17.01.2011 йилдаги 1-41-сонли хатига асосан, "Туркистон-Мадад-сервис" ДУК МТПга тегишли бўлган, Қибрай тумани, Май қ.ф.й., Марказий кўчаси, 1-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. "Зил-ММЗ-4502" русумли, 1990 йилда и/ч, д/р 10/209SAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 7 143 000 сўм.

2. "Зил ММЗ-4502" русумли, 1991 йилда и/ч, д/р 10/210SAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 7 061 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 11 январь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 12 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 16 ва 19 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 январдаги такрорий савдолар учун 2011 йил 13 январь куни соат 18.00; 19 январдаги савдолар учун 17 январь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи томонидан Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уйда жойлашган алоҳида турган бир қаватли бино ижарага берилади. Бинонинг умумий майдони 1000 кв.м., шу жумладан, ёпиқ бино майдони 600 кв.м., қоровулхона биноси 13,5 кв.м. Маълумот учун телефон: 263-74-48.

ДМҚ томонидан 20.01.1994 йилда "74-sonli Toy-Tera avtokorxonasi" ЁАЖга берилган 277-сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 12 январь соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:
ВХ-504 й.т. "Чирчиқ АББ – Газалкент АШБ"
ВХ-509 й.т. "Чирчиқ АББ – Саёҳат меҳмонхонаси бекати"
ВХ-524 й.т. "Чирчиқ АББ – Қибрай АШБ" (Чирчиқ томондан)
ВХ-527 й.т. "Чирчиқ АББ – Қўйлиқ АШБ"
2. Битта пакет билан:
ВХ-392 "Пискент АШБ – Қўйлиқ АШБ (Туябўғиз орқали)"
ВХ-428 "Пискент АШБ – Қўйлиқ МЗ АШБ (Бургалик орқали)"
3. ВХ-372 "Паркент АШБ – Заркент қишлоғи"
4. ВХ-374 "Паркент АШБ – Сўқоқ қишлоғи"
5. ВХ-461 й.т. "Туркистон маҳалласи – Ибн Сино АШБ"
6. ВХ-237 й.т. "Балиқчи маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"
7. ВХ-466 й.т. "Абдурахмонов ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
8. ВХ-473 й.т. "Дўстлик маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
9. ВХ-482 й.т. "Келес шаҳри – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
10. ВХ-483 й.т. "Тинчлик маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
11. ШИ-10 й.т. "Дукент қўрғони – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш)
12. ШИ-14 й.т. "Оппартак маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш)
13. Битта пакет билан:
ВХ-329 "Олмалиқ АШБ – Шовғозсой қишлоғи"
ВХ-335 "Оҳангарон АШБ – Тут қишлоғи"
14. ВХ-345 й.т. "Тўйтепа АББ – Кучлик қўрғони"
15. ВХ-434 й.т. "А. Икромов ф/у – Тўйтепа АББ"
16. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ – ТошДАД тажриба хўжалиги – А. Навоий ф/у"
17. ВХ-594 "Боғзор қўрғони – Карвон бозор"
18. ВХ-573 "Меҳнат маҳалласи – Х. Абдуллаев метро бекати"
19. ВХ-283 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Куштепа маҳалласи"
20. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Кескин қишлоғи"
21. Битта пакет билан:
ШИ-1 й.т. "Айланма"
ШИ-4 й.т. "Азотчи маҳалласи – Куйи Жалоир маҳалласи"
ШИ-5 й.т. "ЎзКТЖМ – 8-кичик ноҳия (2-Азотчи)"
ШИ-6 й.т. "КСМ – Айланма"
22. Битта пакет билан:
ШИ-7 й.т. "Бўстон санаторияси – Пойабзал фабрикаси"
ШИ-12 й.т. "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)"
ШИ-15 й.т. "8-кичик ноҳия – 5-фермерлар уюшмаси"
ВХ-387 "Чирчиқ АББ – Паркент АШБ" (Чирчиқ томондан)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларни ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УэПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2012 йил 7 январь соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 11 январь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2011 йил 9 декабрдаги 58-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

Олмалиқ шаҳридаги "XUSUSIY TASHUVCHILAR UYSHMASI" МЧЖга тегишли:

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2008 йил 26 февраль куни берилган "АТ" серияли 000013 лицензия фаолияти 2011 йил 10 декабрдан бошлаб 10 (ўн) иш кунга тўхтатилди.

"NIGORA ISKANDAR" масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

XXI аср ва ДУНЁ

ПАНДА – ЎН ЙИЛГА ИЖАРАГА

Хитой бир жуфт эркак ва урғочи йирик пандани Буюк Британияга ўн йил муддатга ижарага берганлиги ҳақида хабар тарқатди Reuters.

Бамбук дарахтида яшаб, унинг барглари билан озиқланувчи бу айиқсимон жониворлар Эдинбург ҳайвонот боғига келтирилади. Бу ерда саккиз ёшли пандалар учун зарур яшаш шароитлари яратилиб, ушбу жониворларни асраш, парвариш қилиш ва тадқиқот олиб боришда фойдаланилади. Эдинбург ҳайвонот боғидагилар ўн йил ичида пандаларнинг насл беришига ишонмоқдалар. Агар бу амалга ошса, панда болалари "ота-она"лари билан бирга Хитойга қайтарилади.

Кўпайишга қодир бундай пандалар Буюк Британияни сўнгги марта 17 йил илгари тарк этган эди.

2011 йилнинг ноябрида Хитой ва Франция ҳукуматлари ҳам Париждаги ҳайвонот боғига иккита шундай пандаларни етказиб беришга келишиб олди. Жониворлар Францияга 2012 йилнинг бошларида келтирилади ва ўн йилга шу ерда қолдирилади.

Хитой пандалар воситасидаги бундай "дипломатия" билан 1950-йиллардан буён шуғулланмоқда.

ҚИРОЛ ТОЖИНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИЩДИ

Антананарива музейида сақланаётган Мадагаскар қиролининг тожини ўғирлаб кетишгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги маҳаллий ҳукумат вакиллари маълумотига таяниб.

Мадагаскар маданият ва тарихий мерос вазирлиги вакилининг ҳикоя қилишича, ўғрилар Андафиаваратра саройида жойлашган музейга деразалардан бирини синдириб кирган. Ўғирланган тож муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Мадагаскар қироллик сулоласи бошчилик қилган даврга тааллуқли эди.

Ҳукумат тожни топиш имконини берувчи хабар учун мукофот эълон қилди. Бироқ, мукофот суммасига аниқлик киритилмаган.

Ўғирланган тождан XIX асрда Мадагаскарда ҳукмронлик қилган Ранавалун I ва бошқа қиролларга тож кийдириш маросимларида фойдаланилган эди. Қироллик сулоласи XVIII асрнинг охирларида юзага келиб, XIX асрнинг охирларигача, яъни Франция оролни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантиргунига қадар давом этди.

Илгари тож Мадагаскар пойтахтидаги Рува қироллик саройида сақланарди. 1995 йилда саройга ўт тушиб, йўқ бўлиб кетгач, бу ерда сақланган буюмлар мамлакат бош вазирининг расмий қароргоҳидаги Андафиаваратра саройида жойлашган музейга олиб ўтилган эди.

НИГОҲ

ТАҲДИД ВА ХАВФ-ХАТАР ЎЧОҒИ

Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши Марказий Осиё аҳолиси ҳаёти ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда

Марказий Осиёдаги барча дарёларнинг сувлари Тожикистон ва Қирғизистон тоғларидаги дарёлардан ҳосил бўлиши кенг жамоатчиликка яхши маълум. Бугунги кунда Тожикистоннинг бутун гидроэнергетик салоҳияти бор-йўғи 11 фоиз ўзлаштирилган холос. Бу мамлакатнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қопламайди, албатта. Шу боис Тожикистон ҳукуматининг энергетика хавфсизлигини гидроэнергетикани янада ривожлантириш орқали таъминлашга интилаётганининг сабаби равшан ва тушунарли.

Бироқ, афсуски, бу мақсадга эришишнинг устувор йўналиши сифатида оддий ва анча арзон гидроэлектр станциялари тизимини барпо этишни маъқул кўриш ўрнига Вахш дарёсида Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси танланди. Бу баҳайбат иншоот советлар давридаёқ тасдиқдан ўтган параметрлари билан Вахш ва Амударё бўйларида истиқомат қилаётган миллионлаб кишилар ҳаётига таҳдид солади. Ушбу лойиҳанинг шошмашошарлик билан амалга оширилиши Ўзбекистон, Туркманистон ва биринчи навбатда Тожикистоннинг ўзида ҳам экологик, ҳам иқтисодий ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Тожикистон томонининг Роғун ГЭСи қурилишининг собиқ иттифоқдан қолган эски лойиҳасини қайта тиритиришга уриниши аввал бошданоқ қалтис ва хатарли ўйин бўлиб, ўз халқи ҳамда қўшни давлатлар аҳолиси манфаатларини оёқости қилишдан бошқа нарса эмас.

Бундай айб қўйиш учун тўла асос бор. Лойиҳада тасдиқланган параметрларга кўра, Роғун ГЭСи дунёдаги энг йирик гидроэнергетика ва сув хўжалиги объектларидан бири бўлиши керак. Унинг таркибига устма-уст ташланган 335 метрли тоштўғон, босим-станция узели, станциянинг ер ости биноси, оқава сув ҳамда тузли ва гидравлик тўсиқ иншоотлари, Оби Шўр сойидаги селдан сақлаш объекти ва ОРУ 500/220 (очиқ тақсимлаш қурилмаси) киради. Тоштўғон дунёдаги тупроқ тўғонлар учун мўлжалланган энг баланд тўғон бўлади.

Хавотирли жиҳати шундаки, улкан ҳажмдаги бу энергетика хўжалиги мажмуаси ўта мураккаб муҳандислик-геологик шароит ва 9 балли сейсмик зонада қурилмоқда. Станциянинг бош иншоотлари Тянь-Шаннинг йирик тектоник зоналари туташган жойдаги тор дарада жойлашади. Қурилишнинг энг йирик тектоник ёриқлари ҳисобланган Ионахш ёриғида ҳар йили силжиш кузатилади. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ионахш ёриғи Вахш дарёсини тўғон ядросидан 400-500 метр наридаги пойдеворнинг устки ёнбағрида жойлашган тоштуз қатламини кесиб ўтган. Тўғон пойдеворидаги тоштуз дарё кесимидан 20-30 метр қуйида жойлашган.

Экспертларнинг фикрича, юқори сейсмик ҳолат, тектоник ёриқлар ва юксак тектоник фаоллик, тўғон пойдеворида туз қатламининг борлиги ҳамда қояли массивдаги сезиларли табиий танглик бу ерда ГЭС қуриш хавфли эканлигини тасдиқловчи омилларидир. Шу билан бир вақтда машина зали деворларининг силжиши (конвергенция) масаласи ҳам мутахассисларни ташвишга солмоқда. Зеро, ҳозирнинг ўзидаёқ машина зали авария ҳолатида. Вазият шундайки, машина зали қуриб битказилиб, ГЭС агрегатлари ўрнатилиб, бетон қуйилганидан сўнг жинсларнинг қисиш кучи бетон ва ГЭС агрегатларини қулатади.

Хуллас, ГЭСнинг барча иншоотларида нуқсон ва камчиликлар жуда кўп. Бироқ, бор маълумотларга қараганда, Тожикистон қурилиш ишларини эски лойиҳа бўйича янгидан бошлади. Бу эса объектнинг хавфсизлиги масаласи юзасидан катта ташвиш туғдираяпти. Жумладан, ГЭСни қуриш ва фойдаланишда инсон омили муҳим аҳамиятга эга. Станция қурилишида юз берган авариялар (ерости иншоотларида жинсларнинг қулаши, машина зали ва трансформатор хонасининг авария ҳолати, устки кесакининг тушиб кетиши, ер ости йўллари пештоқининг ювилиб кетиш ҳоллари) айнан инсон омили туфайли юз берди. Шунингдек, рахбарларнинг чуқур ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари оқибати бу.

Бугунги кунда Тожикистон станциядаги барча қурилишмонтаж ишларини лойиҳадан четга чиқмай ва сифатли бажара олиши ҳамда ГЭСнинг ҳамма иншоотлари авариясиз ишлашини таъминлашига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки, ҳалокатга олиб келадиган авария учун ортиқча сабаб керак бўлмайди. Станция тўғони каллагига шўр сув ҳайдашни қисқа вақтга тўхататилса бас, оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган фожиа юз бериши тайин.

Шу боис Роғун ГЭСини қуришни бошлашдан аввал ушбу лойиҳани амалга оширишнинг техник имкониятлари бор ёки йўқлигини аниқлаб олиш лозим. Бу айнан "етти ўлчаб, бир кесиладиган" иш. Миллионлаб одамларнинг аввал бошдан нобоп қурилган тўғонни сув уриб кетишдан эртаю кеч хавфсираб яшашга маҳкум этадиган масъулиятсиз қарорни қабул қилмаган маъқул.

Маълумки, бир гуруҳ экспертлар Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун Бутунжаҳон банки ҳомийлигида иш бошлаган. Албатта, бундай тадбир холис ва беғараз ўтказилсагина наф беради. Гуруҳ станция фаолият бошлагач, бехавотир ва хавфсиз ишлашига таъсир кўрсатувчи омилларни алоҳида синчковлик билан ўрганиши зарур. Экспертлар ҳам ушбу лойиҳанинг хавфсизлигига тўғри ва ишончли баҳо бериш учун бир қатор изланиш ва илмий-тадқиқот олиб бориш зарурлигини таъкидлашди. Хуллас, олимлар катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишлари керак бўлади.

Бунинг учун геологик муҳит ҳамда лаборатория тадқиқотлари устидан мониторинг хизматини ташкил этиш лозим. Тўғри якуний хулосага эга бўлиш учун узоқ вақт – камида 5-6 йил муддат талаб этилади. Шундан сўнггина ушбу танланган жойда бундай маҳобатли ГЭС қуриш мумкинми ёки йўқлиги ҳақида узил-кесил хулоса чиқариш мумкин.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олганда, эксперт гуруҳига бор-йўғи бир йил вақт берилгани нафақат ажабланарли, балки ташвишли ҳамдир. Ким билади дейсиз, қўшни давлатда йўл қўйилган шошма-шошарлик оқибатида бутун Марказий Осиё аҳолисининг ҳаёти хавф остида қолмасмикин? Юқори тектоник зонага қўндирилган бу объект дарёлардаги сув оқимини бутунлай ўзгартириб юбориб, улкан ҳудуд аҳолиси ҳамда экин майдонларига катта зарар етказмасмикин?!

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ саммитида сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг бу масалага оид нуқтаи-назарини аниқ баён этиб берди ва бундай мубҳам йирик гидроиншоотлар ўрнига анча хавфсиз ва мустаҳкам кичик гидроэлектр станциялар қуришни таклиф этди. Олимларнинг айтишларича, бундай станциялар фаолияти минтақадаги дарёлар оқимига у қадар таъсир қилмайди.

Трансчегара дарёлари ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек, гидротехник қурилишлар билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишга асосли ва келишилган ҳолда ёндошиш лозим. Токи, дарёларнинг қўйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг манфаатлари чекланмасин ва, албатта, холис экологик баҳога амал қилинсин. Акс ҳолда Чернобиль АЭС, Саяно-Шушен ГЭСи ва Японияннинг "Фукусима-1" атом электр станциясида юз бергани сингари навбатдаги вайроналик келтирувчи ҳалокатдан қутулиб бўлмайди.

Рахмат УМУРЗОҚОВ.
«Белый Парус» интернет-газетаси.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

КЎРГАЗМА

ТАБИАТ ВА РАССОМ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залларида "Табиат ва рассом" мавзусида республика XXVII анъанавий кўргазмаси очилди. Бу ерда 100 га яқин таниқли ва ёш рассомларнинг 200 дан ортиқ асарлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган.

Кўргазма залларида иқтидорли рангтасвирчи рассом Муҳаммаджон Тожимирзаевнинг "Табиат ва рассом" мавзусига уланиб кетган шахсий кўргазмаси ҳам намойиш этилмоқда. Унинг алоҳида ижодий йўналишга эга асарларида халқ анъаналари, турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси акс этган.

Табиат – буюк тарбиячи. У рассом учун ижод манбаидир. Унинг сехрли жилоси ижодкорларни ҳар доим ўзига мафтун этиб келган. Мазкур йўналишдаги кўргазманинг илк бор ташкил этилганига чорак асрдан ошди. Ўтган йиллар давомида бир қатор қобилиятли рангтасвирчи рассомлар авлоди етишиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги шу кўргазмада иштирок этмоқда.

Кўргазмадаги кўпгина асарларда услуб жиҳатдан катта ўзгаришлар содир бўлганини, табиат оламини, борлиқни ифодалаш ва профессионал маҳоратни мукаммаллаштиришга интилишни кўрамиз. Римма Гаглоева, Янис Салпинкиди, Искра ва Светлана Шинлар, Анвар Мирсоатов, Валерий Енин, Виктория Трошина, Дилором Мамедова, Владимир Чуб, Флорида Гамбарова, Акмал Жамолов асарларида чуқур лиризм ва ўзига хос ранглар гармониясини, ака-ука Отабоевлар асарларида эса натурализмга бўлган иштиёқни кузатиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида ўз услуби ва ижод йўналиши мавжуд.

Кўргазмага қўйилган асарларда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари табиати, унинг турли фасллардаги кўринишлари, меъморий ёдгорликлари, юртимизнинг мевалари тасвирланган натюрмортлар, сўлим қишлоқларнинг меҳр билан чизилган гўзал тасвирларидаги табиат ва инсон уйғунлиги, дунёнинг сирли ва мўъжизакорлиги томошабинлар эътиборини ўзига тортади. Шунингдек, экспозицияда ижодкорлар томонидан меҳр билан яратилган Тошкент вилоятининг гўзал манзаралари акс этган "Паркент", "Хумсон", "Чимён. Куз", "Чотқол", "Ғазалкент", "Куз. Чорвоқ", "Чорвоқда тонг", "Баҳор. Чорвоқ", "Мовий Чорвоқда сентябрь" каби 20 дан ортиқ асарлар жой олган. Сўқоққа бағишланган қатор асарлар эса бир-бирини такрорламайди, аксинча, тўлдиради. Вилоятимизнинг гўзал манзаралари янги-янги ижодкорларни ўзига тортмоқда.

Экспонатлар ёнидаги давра суҳбатида миллий-маданий қадриятлар, ҳаёт жўшқинлиги, кўтаринки руҳ, олам гўзалликларини мужассам эта олган сара асарлар томошабинларга тақдим этилгани таъкидланди.

Республика миқёсидаги кўргазмада илк бор иштирок этаётган, шунингдек, томошабинларга манзур бўлаётган ёшлар ижоди намуналарини ҳам кўриш мумкин. Ёш рассом Тоҳир Замон тасвирий санъат соҳасидаги "Устоз-шогирд" анъанаси, унинг ижобий жиҳатлари тўғрисида шундай деди:

– Ёшларнинг кўргазмага қўйилган асарларида устозлар меҳнати ҳосилини, ёшларнинг табиатга, умуман ҳаётга бўлган меҳрини яққол кўрамиз.

Кўргазма шу йилнинг 18 декабрига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ФУТБОЛ

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

2012 йилги Осиё чемпионлар лигаси мусобақасида мамлакатимиз шарафини тўрт жамоамиз ҳимоя қилади

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида қитъамиз футбол клубларининг энг нуфузли икки мусобақаси – Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги учун 2012 йилда бўладиган турнирларга қуръа ташланди.

"ОФК кубоги – 2011" ғолиби Қаршининг "Насаф" жамоаси "А" гуруҳида Қатарнинг "Ар-Раян" ва Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Жазира" клублари билан куч синашади. Тўртинчи рақиб мусобақанинг плей-офф беллашувларида аниқланади.

Осиё чемпионлар лигасида мунтазам қатнашаётган "Пахтакор" "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони), "Ал-Араби" (Қатар) ва "Баниясс" (БАА) жамоалари билан "В" гуруҳидан жой олди. Тўрт карра Ўзбекистон чемпиони – "Бунёдкор" "Е" гуруҳида Японияннинг "Гамба Осака" ва Австралиянинг "Аделаида Юнайтед" жамоалари билан баҳс олиб боради. Гуруҳдаги тўртинчи жамоа плей-офф баҳсларидан сўнг маълум бўлади.

Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳслари 2012 йилнинг 6-7 март кунлари бошланади.

Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида иштирок этиш имконига эга бўлган яна бир жамоамиз – Фарғонанинг "Нефтчи" клуби плей-оффнинг ҳал қилувчи баҳсида Бирлашган Араб Амирликларининг "Аш-Шабаб" жамоасига қарши ўйнайди. 2012 йил 18 февраль куни "Аш-Шабаб" майдонида ўтиши белгиланган мазкур учрашувда фарғоналик чарм тўп усталари ғалаба қозонса, Осиё чемпионлар лигасининг "D" гуруҳидан жой олади. Агар мағлубиятга учраса, ОФК кубогининг "Е" гуруҳида баҳсларни давом эттиради.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ҲАНГОМА

ҚЎШ БАРАКА

Салимахон ҳидини анқитиб икки халта кашнични бозорга олиб борди. Лекин ёқасини ушлаб, эсанкираб қолди. Чунки, ҳаммаёқни кашнич босиб кетган, олувчи кам эди. Тушгача аранг юз эллик сўмлик савдо қилди. Бир пайт пештахтада ётган икки тўп эгасиз кашничга кўзи тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

У менга юзланди.

– Акажон, сиз қўшни маҳалладаги Ёркин ака бўласиз-а?

– Ҳа.

– Мабодо бозорим юришмаса, йўлкирага қарашиб юборасиз-да?

– Хўп бўлади, сингил.

Шу чоқ оппоқ сочли аёл Салимахонга яқинлашди.

– Кашнич қанчадан, эгачи?

– Ўн беш сўмдан-да, айланай.

– Анави ерда текини турибди-ку.

– Айланай, бу ҳам асли сув текин. Кўрмадингизми, улар сарғиш, бу эса янгигина олиб келинган. Яхшилаб дуо қиласиз-да, опажон.

– Ҳа, албатта. Шундай ошкўкни етиштирган қўлларингиз асло дард кўрмасин. Юзга кирганда ҳам ҳассасиз, дўмбиллаб юринг.

Кампир халтасини кўтариб, инқиллаганча узоқлашди. Боядан бери буларга разм ташлаб турган шоп мўйловли киши шарақлаб кулиб юборди.

– Ана дуою мана дуо, – деди у. – Мен ҳам худди шунга ўхшаш дуо олганман. Иссиқонага тўлдириб ошкўк экардик. Уч кун бозорга кетма-кет кашнич олиб бориб, йўлкирага тушгандан кейин иссиқхонани шартта бузиб, ўрнига товуқхона қурдим...

– Хўш-хўш.

– Бройлер товуқ боқа бошладим. Ў-ў, ана пулу, мана пул! Кўк экиб, рангимизни сарғайтириб юрган эканмиз.

– Дарвоқе, менинг ўғлим ҳам товуқхона қурайлик дерди-ю, сира қулоқ солмасдим. Бир кўриб келсак бўладими? Бизнинг ҳам рўзғоримизга барака кирармиди?

– Қўшни қишлоқдаги тегирмон бор-ку? Шу ерга борасиз-да, Турдибой товуқнинг уйини сўрайсиз.

– Вой, товуқ дейсизми? – қиқир-қиқир кулди Салимахон.

– Ҳа. Ҳамқишлоқларим шундай дейишади: "Товуқ бўлатуриб, мана бу кўккадор уйни қурдинг, маҳалла кўчасини асфальт қилдирдинг. Агар хўроз бўлганингдами?" дея кулишади. Мен яқинда хўроз бўлишим аниқ, чунки асфальтни давом эттирмоқчиман.

Салимахон қотиб-қотиб улар экан, деди:

– Товуқчиликни бошлаб юборсак, у ёғига ўғлим ишни олиб боради. Қанийди уни ҳам Сатторбой товуқ дейишса!

Турдибойнинг юраги қаттиқ уриб кетди. "Ў, гап келди, кўнгил олайми?"

– Ҳай-ҳай, ўғлингиз уйланганми, йўқми?

– Йўқ-да.

– Э, унда ким ҳам товуққа қизини берарди? Ўзимдан мисол. Раҳматли аёлим қазо қилганига олти йил бўлди. Дастлаб номзодлар чиқиб турувди. Кейин эса... Э! «Тегирмон» маҳалласига йўлим тушиб қолди. Гузарда – антиқа бир ошхона. Номи ҳам антиқа: "Арзони бизда". Нақшинкор эшикка яқинлашганимда...

Воажаб, қаршимда тўлишиб, савлатли бўлиб кетган Салимахон турарди. Кўзлари чақнаган! Кулиб, аста сўрадим:

– Йиғлоқи куёв қалай?

– Ў, дадаси кўчамиз асфальтини давом эттириб, ўшандаёқ хўроз бўлиб кетганлар!

– Ўғлингиз Сатторбой супер қизга ўйлангандир?

– Ҳа-ҳа, – хандон ташлаб кулди Салимахон. – Товуқ кабоб сотиб топган фойдасидан катта каналга кўприк қуриб берувди, "Яшавор, хўроз!" деб алқашди. Супер қизлардан бирини келин қилдик. Бахт калитини топдик, ака. У – ҳақиқий меҳнат экан.

Асҳўжа ИНОҒОМОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

caricatura.ru

Утерянный диплом 020953, выданный в 1995 году Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти на имя Абдазимова Хасана Абдуфаттаховича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 11.04.2005 йилда реестр рақами 000623-01 (ИНН 205610774) билан рўйхатдан ўтган "RD PROFIT PLUS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Миробод туман ҳокимияти томонидан 2011 йил 27 июлда № 005350-03 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "GREAT STAR IIR GROUP" МЧЖ (ИНН 302065882, ОКОНХ 91611) ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 785-58-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 26.02.2008 йилда № 003616-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MIMA KOLOR TEKS" хусусий корхонаси (ИНН 300736095) ташкилий-ҳуқуқий шакли "MIMA KOLOR TEKS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилаётганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан 08.11.2010 йилда гувоҳнома рақами № 0002729 билан рўйхатга олинган (ИНН 485590430) якка тартибдаги тадбиркор Салиев Давронбек Ботиралиевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частная фирма "KAFOLAT SAVDO SERVIS", зарегистрированное ИРСП Учтепинского (быв. Акмал Икрамовского) района г. Ташкента (№ 01-00447 от 07.02.2003г.), расположенное по адресу: массив Урикзор, ул. Самарбону, 3-А (ИНН 204367627), сообщает о преобразовании в общество с ограниченной ответственностью "KAFOLAT SAVDO SERVIS".

ООО "AMADIS-SPORT" (ИНН 207073294) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента № 004512-03 от 07.04.2010 г., расположенное по адресу: ул. Т. Шевченко, д. 22/2, кв. 21, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 09.12.2011 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 755-19-61.

ЧП "FAXRIDDIN FAYZ SERVIS" (ИНН 202569431) Хамзинского района г. Ташкента реорганизуется в ООО "FAXRIDDIN FAYZ SERVIS". Претензии принимаются в течение одного месяца по адресу: Хамзинский район, ул. Толариқ, 40.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 27.06.2011 йилда № 01-00384 реестр рақами (ИНН 200661866) билан рўйхатдан ўтган "SAKUBA" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "PRIME INVEST PLUS" (ИНН 301928092), зарегистрированное хокимиятом г. Чирчика Ташкентской области № 3736 от 01 апреля 2011 года, расположенное по адресу: г. Чирчик, ул. Нодирабегим, 32 извещает об аннулировании решения учредителя о ликвидации общество (решения учредителя № 07 от 02.12.2011 г.). Информацию распечатанную в газете "Ташкент хакикати" № 75 (12.399) от 21.09.2011 года **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.** Тел.: (+99897) 799-03-94.

ООО "BIO VAK FARM" (ИНН 206819694), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента № 002514-10 от 13.12.2006 г., расположенное по адресу: ул. Мавланов, д. 37, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителя № 1 от 30.10.2011 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 464-22-44.

Қибрай тумани ТСРЎИ томонидан 2006 йил 31 октябрда 1400 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "TURON-DAVRON KAPITAL" фермер хўжалиги ташкилий-ҳуқуқий шаклини хусусий корхонага ўзгартиришини маълум қилади.

Хусусий корхона фермер хўжалигининг барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъволар Қибрай тумани, Ўнқўрғон қфй, Гунча кўчаси ёки 794-07-05 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерянные кадастровые документы № 10090801020016 ер майдони № 10090801020016 бино иншоотлар реестр № 9-489107, выданный ГЛАВАПУ на помещение, расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Орджиникидзе, д. 1 и гувохному реестр № 00324804 от 11.10.2007г., выданную хокимиятом М. Улугбекского района на ООО "GOLDEN TOLO", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6569. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345